

Усманов Шаҳобиддин
Лингвистика (араб тили) мутахассислиги
2-курс магистранти
Илмий раҳбар доц. Б.Бегматова

Ибн Ҳожибнинг “Ал-Кофия” асарида морфология масаласининг ёритилиши

Маълумки, грамматика морфология ва синтаксисни ўз ичига олади. Морфология сўзларнинг тузилиши, ясалиши, турланиши, тусланишини ўрганса, синтаксис сўзларнинг ва гапларнинг ўзаро боғланиш қонун-қоидаларини, уларнинг хилларини ўрганади.

Араб тили грамматикаси эса бошқачароқ тарзда тузилган, яъни мавзуларнинг ёритилиши, тизимга солиниши бошқа тиллар грамматикасидан катта фарқ қилади. Унда синтаксис ва морфологияни алоҳида ажратмасдан, ёнма-ён баён қилиниши бу тилнинг ўзига хослигини кўрсатади. “Сўз туркумлари”, “Келишик категорияси”, “Замоннинг ифодаланиши” ва бошқа баъзи мавзуларни банён қилиш жараёнида морфология билан бирга албатта синтаксис ҳам ёритилади. Чунки, араб тили грамматикасида бу икки бўлим алоҳида ёритилмайди¹. Европа ва ўзбек арабшунослари араб тилини ўрганаётган талабаларга тушунарли бўлиши учун араб тили грамматикасини ўз она тилларига муқояса қилиб ёритганлар ва морфология ҳамда синтаксисни иложи борича алоҳида баён қилганлар. Биз ҳам ушбу мақоламизда араб тили морфологияси ва унинг ўзига хос хусусиятларини машҳур нахвшунос олим Ибн Ҳишомнинг “Ал-Кофия” асари мисолида кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

“Ал-Кофия” асари анъанавий тарзда Аллоҳга ҳамду санолар ва пайғамбаримиз (с.а.в)га селовату саломлар билан бошланган. Сўнгра “калима”, яъни сўзга таъриф бериш билан араб тилидаги сўз туркумлари ва уларнинг турлари қуйидагича баён қилинган: сўз бирор нарса ёки ҳодисани аташ туфайли пайдо бўлади, яъни бир маънонигина ифодалайди ва мана шу

¹ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: “Восточная литература” РАН, 1998. –С.3.

сўз уч қисмга бўлинади ва улар қуйидагилардир: исм, феъл ва ҳарф. Ушбу сўз туркумларига мансуб бўлган сўзлар бирор маънони англатиши ёки англатмаслиги мумкин². Бу ерда олим исм ва феъл сўз туркумига мансуб сўзлар ўзлари алоҳида келганида ҳам маъно англатиши, ҳарф сўз туркумини ташкил қилувчи кўмакчи, юклама ва боғловчилар эса, ўзлари алоҳида ҳеч қандай маънога эга эмаслигини назарда тутган.

Демак, исм ҳеч қандай замонга ишора қилмайди, балки шахс, предмет, воқеа-ҳодисаларнинг номини билдиради, феъл ўз маъносига эга ва учта замондан бирига далолат қилади, ҳарф эса юқоридаги шерикларининг белги ва хусусиятларидан холи ҳамда улар билангина маъно англатади³.

“Ал-Кофия”да араб тилидаги сўз туркумларига қисқача таърифдан сўнг ҳар бир сўз туркумига алоҳида тўхталиб, улар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар баён қилинган ва бу исм сўз туркумининг таърифи билан бошлаган.

Исмнинг белги хусусиятлари [қуйидагича]: исм **ال** - *ал* аниқлик артиклини қабул қилади, жарр, яъни қаратқич келишигида келади, танвин кўшимчасини олади, эга ёки кесим (от-кесим) вазифасида келиши мумкин (феъл кесим бўлиши мумкин, аммо эга вазифасида кела олмайди) изофа ҳолатида бўла олади.

Исм сўз туркумининг хусусиятлари баён қилинганидан сўнг олим мўъраб ва мабний исмлар ҳақида қуйидагича маълумот берган: сўзлар (ўзгаришига кўра) мўъраб ва мабний каби икки турга бўлинади.

Агар сўзнинг охири омиллар ўзгариши сабабидан ўзгарса, бундай исм мўъраб, яъни ўзгарувчи, деб аталади. Масалан: **جَاءَنِي زَيْدٌ** – Меникига Зайд келди. **رَأَيْتُ زَيْدًا** – Зайдни кўрдим ҳамда **مَرَرْتُ بِزَيْدٍ** - Зайд билан учрашдим.

Омиллар ўзгарсада, сўз охири ўзгармаса бундай сўзлар мабний, яъни ўзгармасдир⁴. Масалан: **هَذَا مَوْلَى** - *бу хожжа*, **رَأَيْتُ مَوْلَى** - *хожсани кўрдим*, **مَرَرْتُ بِمَوْلَى** - *хожсанинг ёнидан ўтдим*.

² Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 8.

³ Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 8.

⁴ Ўша асар. –Б. 12.

Берилган таърифдан кўриниб турибдики, бу ерда флексия ходисаси, яъни флексия бўйича ўзгарадиган ва ўзгармайдиган исмлар ҳақида маълумот берилган. Флексия ходисаси араб наҳвида эъроб, деб номланади ва унга қуйидагича таъриф берилган: омиллар ўзгариши сабабли сўзларнинг охирида юз берадиган ўзгариш “эъроб” дейилади. Сўз охиридаги ўзгариш ё ҳаракатларда бўлади ёки ҳарфларда намоён бўлади. Эъробнинг уч тури мавжуд ва улар рафъ, насб ҳамда жаррдир. Рафъ бу бош бўлақлардан эганинг кўрсаткичи, насб воситасиз тўлдирувчининг, жарр эса, изофанинг аломатларидир.

Юкоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бу ерда келишик категорияси таҳлил қилинмоқда. Демак, араб тилида учта келишик мавжуд ва улар рафъ, насб ва жарр, деб номланади. Рафъ бош келишикка, насб тушум келишигига, жарр эса асосан қаратқич келишигига тўғри келади. Жарр шунингдек, она тилимиздаги жўналиш, чиқиш ҳамда ўрин-пайт келишикларига ҳам мос келади. Ушбу келишикларнинг қўшимчалир ҳақида қуйидагича маълумотлар берилган: учта келишик бўйича турланадиган бирликдаги ва музаккар синиқ кўпликдаги исмлар рафъ ҳолати (бош келишик)да дамма билан, насб ҳолати (тушум келишиги)да фатҳа билан, жарр ҳолати (қаратқич келишиги)да касра билан ҳаракатланадилар. Масалан: *جَاءَنِي زَيْدٌ وَرَجَالٌ* – Меникига Зайд ва кишилар келдилар. *رَأَيْتُ زَيْدًا وَرَجَالًا* – Зайд ва кишиларни кўрдим. *مَرَرْتُ بِزَيْدٍ وَرَجَالٍ* – Зайд ва кишилар билан учрашдим.

Тўғри муаннас кўпликдаги исм бош келишикда дамма билан, тушум ва қаратқич келишигида касра билан ҳаракатланади. Масалан: *هَؤُلَاءِ مُسْلِمَاتٌ* - *Улар муслималардир* (бош келишик), *رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ* - *Муслималарни кўрдим* (тушум келишиги), *مَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ* - *Муслималарнинг ёнидан ўтдим* (қаратқич келишиги)⁵.

⁵ Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 15.

Араб тилида яна шундай сўзлар борки, улар “ғайри мунсариф” деб номланади. Бундай исмлар учта келишик эмас, икки келишик бўйича турланадилар. Уларнинг таркибига юқоридаги муаннас тўғри кўпликдаги ҳамда ноаниқ ҳолатда танвин даммага эмас, даммага тугаган исмлар киради. Ноаниқ ҳолатда дамма тугаган икки келишикли исмлар бош келишикда дамма билан, қаратқич ва тушум келишигида фатҳа билан ҳаракатланади. Масалан: جَاءَ عُمَرُ, رَأَيْتُ عُمَرَ, مَرَرْتُ بِعُمَرَ.

Араб тилида юқоридаги каби икки келишикли исмларга умумий тарзда машҳур нахвчи олим Даририйнинг қуйидаги таърифини келтиришимиз мумкин: Ҳар 3 келишикда турланмайдиган исмлар 2га бўлинади:

1. Аниқ ва ноаниқ ҳолатда ҳар 3 келишикда турланмайдиган исмлар.

2. Аниқ ҳолатда ҳар уч келишикда турланмайдиган, ноаниқ ҳолатда бўлса ҳар уч келишикда турланадиган исмлар.

1. Аниқ ҳолатда ҳам ноаниқ ҳолатда ҳам 3 келишикда турланмайдиган исмлар:

- أَفْعَل қолипида музаккари, فَعْلَاء қолипида муаннаси келган сифат, масалан: حمراء ва أحمر;

- орттирма даражада сифати, масалан: هو أكرم من زيد و أكرم من عمرو;

- музаккари فَعْلَان вазнида, муаннаси فَعْلَى вазнида бўлган сифат, масалан: عطشى ва عطشان;

- охири қисқа ёки чўзиқ алиф билан тугаган бирлик ва кўплик исмлар, масалан: جرحى, علماء, حبلى, حمراء;

- 3-ҳарфи алиф ва ундан кейин 2 ёки ундан ортиқ ўртаси сукунли ёки ташдидли бўлган барча кўпликлар, масалан: دنائير ва دواب.

Булар аниқ ҳолатда ҳам ноаниқ ҳолатда ҳам 3 келишикда турланмайдиган отлардир, масалан: مررت بأحمر. сўзи қаратқич келишигида келиши кераклигига қарамасдан тушум қилдингиз. Чунки у аниқ ва ноаниқ ҳолатда 3 келишикда турланмайдиган исмлар жумласидан. Юқорида келтирилганларнинг қолганлари ҳам шунга ўхшаш. Аниқ ҳолатда ҳар учала келишикда турланмайдиган исмлар қуйидагилар:

- ҳозирги-келаси замон феъли вазни(қолипи)даги исмлар, масалан: *يزيد يشكر*;
 - муаннас *تاء* -*таси* билан тугаган барча исмлар, масалан: *حمزة* ва *طلحة*;
 - маъноси муаннас бўлган атоқли отлар, масалан: *مريم* ва *زينب*;
 - агар исм уч ҳарфли бўлиб ўртадаги ҳарф сукунли бўлса, масалан: *دعم* ва *هند* га ўхшаб, ихтиёр сизда ҳоҳласангиз барча келишикларда турлайсиз, ҳоҳласангиз йўқ;
 - асли арабий бўлмаган атоқли отлар: *اسماعيل* ва *إبراهيم* га ўхшаш;
 - охирига *алиф* ва *нун* орттирилган исмлар, масалан: *عمران* ва *عثمان*;
 - *فاعل* қолипидан *فعل* га ўзгартирилган сўзлар, масалан: *عمر* ва *زافر* аслида *عامر* ва *زافر*;
 - 1дан 4гача шакли ўзгартирилган санок сонлар, масалан: *موحد - أحاد*, *ثلاث و ربيع* (Нисо 3), - деган; *مربع - ربيع*, *مثلث - ثلاث*, *مثنى - ثناء*;
 - мураккаб (икки сўз қўшилишидан ҳосил бўлган) атоқли отлар, масалан: *يعلبك* - шаҳар номи - *معد يکرب* - эркак кишининг исми;
 - қабилалар, шаҳарлар, жойлар ва сураларнинг номлари ҳам шулар жумласидандир⁶, масалан: *بغداد, مكة, هرات*.
- “Ал-Кофия”да икки келишикли исмларга умумий тарзда қуйидагича таъриф берилган: Ғайри мунсариф шундай исмки, унда исмни учта келишикда турланишига тўсқинлик қилувчи тўққиз илладан икkitаси мавжуд бўлади⁷. Сўнгра, Даририй келтириб ўтган сабаблар келтириб ўтилган.

Араб тилида *أَبْ، وَأَخْ، وَحَمْ، وَهَنْ، وَفَمْ، وَذُو مَالٍ* каби олти сўзлар борки, улар бошқа сўзлардан фарқли равишда келишикларда ҳаракатлар билан эмас, балки ҳарфлар ёрдамида турланади. Мана шу сўзлар бирлик, биринчи шахс бирикма олмоши *ي* дан бошқа бирикма олмошлари билан изофа ҳолатида

⁶ Қосимова С. Ҳамидулло Даририйнинг “Муқаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТошДШИ, 2014. –Б.83.

⁷ Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 23.

келганида бош келишикда *вов* билан, тушум келишигида *алиф* билан, қаратқич келишигида эса *йой* билан ҳаракатланади. Масалан: *هذا أبوك* - *Бу отанг*. Ушбу мисолда бош келишик белгиси *вов*дир. Тушум келишикда : *رأيت* - *Отангни кўрдим*. Бу мисолда эса тушум келишик белгиси *алиф*дир. Қаратқич келишикда: *مررت بأبيك* - *Отанг ёнидан ўтдим*. Бу мисолда қаратқич келишик белгиси *йой* ҳарфи. Қолган бештаси ҳам шунга ўхшаш.

Эъроб масалалари давомида Ибн Ҳожиб исмларнинг сон категориясини ҳам баён этиб, уларнинг келишикларини таҳлил этган.

Бош келишикдаги исмдан иккилик сон яшаш учун сўз охирига *ан* - *алиф* ва *нун*ни орттирамир. Масалан: *جاءنى الزيدان* - *Меникига иккита Зайд келди*. *زيدان* сўзидаги *алиф* ва *нун* бош келишик белгисидир.

Тушум ва қаратқич келишигидаги оддан иккилик сон яшаш учун эса сўз охирига *йой* ва *нун* ортириб *йой*дан олдинги ҳарфга фатҳа ҳаракатини берамиз. Масалан: *مررت بالزيدين* - *Иккита Зайдни кўрдим*. *رأيت الزيدين* - *Зайднинг ёнидан ўтдим*.

Мазкур икки мисолда қаратқич ва тушум келишигининг белгиси *йой*дир. Агар бош келишикдаги оддан кўплик сон ясамоқчи бўлсак сўзнинг охирига *вов* ва *нун* орттирамир ҳамда *вов*дан олдинги ҳарфга дамма ҳаракатини берамиз. Мисол: *هؤلاء الزيدون* - *Улар Зайдлардир*. Ушбу мисолда рафъ белгиси *вов*дир. Тушум ва қаратқич келишигидаги оддан кўплик сон яшаш учун сўз охирига *йой* ва *нун* ортириб *йой*дан олдинги ҳарфга касра ҳаракатини берамиз. Мисол: *مررت بالزيدين* - *Зайдларни кўрдим*. *رأيت الزيدين* - *Зайдларнинг ёнидан ўтдим*. Бу икки мисолда тушум ва қаратқич келишигининг белгиси *йой*дир.

Отларда иккилик соннинг *нуни* доимо касра, тўғри кўплик музаккар жинсининг *нуни* эса фатҳа ҳаракатини олади. Ҳар иккала *нун*лар изофа пайтда тушиб қолади. Мисол: *غلامك* - *Сенинг иккала хизматкоринг*, *صالحوك* - *Сенинг солиҳларинг*(*олийжанобинг, яхшинг*), *بنوك* - *болаларинг*.

Йигирмадан то тўқсонгача бўлган ўнликлар бош келишиқда “وُنْ”, тушум ва қаратқич келишиқларида “يُنْ” қўшимчалари билан ифодаланади. Масалан: تسعين امرأة عشرون رجلاً.

Ҳамидуддин Даририй, Мустафо Ғалайини, Ҳифни Носиф каби нахвчи олимлар эъроб масаласини ёритганларида исм ва феъл сўз туркумларини келишиқларда турланиши ва тусланишларини мана шу бир мавзу ичида баён қилганлар. Ибн Ҳожиб эса “Ал-Кофия”да исм ва феъл эъробини бир мавзу ичида ёритмай уларни алоҳида таҳлил қилган ва феълларни тусланишини “Феъллар” бобида баён қилган.

Исмнинг барча белги, хусусиятлари, эъроби, жинс, сон ва келишиқ категориялари тўлиқ таҳлил қилинган, феъл сўз туркумини ёритишдан аввал олим ўзининг қуйидаги фикрларини баён қилган: Шу ергача исм ҳақида баҳс юритилди. Чунки у уч сўз туркуми, *حَرْفٌ*, *فِعْلٌ*, *اِسْمٌ* нинг шарафлисидир. Зеро, у (исм) ҳам эга ва ҳам кесим (от-кесим) бўла олади. Энди эса исмдан пастрок ва ҳарф (сўз туркуми)дан шарафлироқ иккинчи қисм бўлган феълнинг аҳволини баёнига киришилди. Ҳарфдан шарафлироқ дедик, чунки феъл кесим вазифасида кела олади. Ҳарф эса на кесим ва на эга бўла олади⁸.

Шундан сўнг муаллиф феълга шундай таъриф берган: феъл шундай сўздирки, ҳаракатни англатиб, уч замонда бирида бўлади. Унинг машҳур хусусиятларидан бири унга “قَدْ” ва “السَّيْنِ” ҳамда “سَوْفَ” юкламаси шунингдек, шарт майлини талаб қилувчи юкламалардан бири, муаннас жинсини билдирувчи “суқунланган та”, шахс-сонни англатувчи қўшимчалар қўшилиши мумкин.

Шундан сўнг асарда араб тилидаги феъллар ўтган ва ҳозирги-келаси замондан бирига тааллуқли бўлиши ҳақида маълумот берилиб, ҳар бир замон таҳлил этилган.

Мозий (ўтган замон) шундай феълки, сен турган ҳолинг ёки ҳозир дейиладиган замондан олдинги замонга далолат қилади, у фатҳага мабний

⁸ Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 253.

бўлади, яъни охирги ўзак ҳарфи фақат фатҳа ҳаракатини олади. Кўриб турганимиздек, бу ерда ўтган замон феълининг инфинитив шакли фатҳа билан ҳаракатланиши айtilмоқда.

Агар мозий феълга қўшимча қўшилса, у сукунга мабний бўлади. Бу ерда ўтган замон феъли тусланганида унга шахс-сон қўшимчаларини қўшилиши ва улардан олдин феъл ўзагининг охирги ҳарфи сукунланиши баён этилмоқда.

Музореъ (ҳозирги-келаси замон) шундай феълки унинг маъносида ҳозир ва истиқбол замонлари муштарак бўлади, “السَّيْنِ” ҳамда “سَوْفَ” юкламалари қўшилганда эса истиқболга хос бўлади⁹.

Юқоридаги маълумотлардан, араб тилида ҳозирги ва келаси замон феъллари бир хилда ифодаланиши, агар улар олдида махсус юкламалар келсагина, келаси замонга тегишлилиги аниқ бўлиши мумкинлиги ёритилган.

“Ал-Кофия”да ҳозирги-келаси замон феълларининг тусланиши қуйидагича ёритилган: музореъ (яъни ҳозирги-келаси замон) феъллари эъроб (майларда) ўзгаришига кўра тўрт турга бўлинади ва улар рафъ, насб, жазм ва амрдир. Келтирилган қоидадан кўриниб турибдики бу ерда феъл майллари ва унинг турлари ҳақида маълумот берилган. Майлларнинг номланишига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг баъзилари юқорида баён этилган келишик номлари билан бир хилдадир. Бу ҳолатга аниқлик киритиш учун она тилимиз ўзбек тилидаги отларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши араб наҳвида бир термин “эъроб”деб номланиб, шаклдаги ўхшашлик ва мазмундаги айрим хусусиятларнинг бир хиллигига кўра, баъзи келишик ва майллар бир хилда номланишини айтиб ўтишимиз лозим. Шу ўринда машҳур рус арабшуноси Б.М.Гранденинг бу борадаги қуйидаги фикрини келтириб ўтсак: Флексия – эъроб деганда сўзларнинг охирги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исmlлардаги бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди, яъни рафъ (رفع) – исmlларда бош келишикни, феълларда дарак майлини; насб (نصب)

⁹ Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 254.

– исмларда тушум келишигини, феълларда истак майлини; жарр (جَرّ) – исмларда қаратқич келишигини билдирса, жазм (جزم) феълларда шарт майлининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Флексия ҳақидаги илм араб грамматик тизимининг оригиналлигини таъкидловчи ўзига хос хусусиятлардан биридир¹⁰. Демак, феълларнинг рафъ ва насб ҳолатлари, деганда дарак ва истак майли, жазм шарт майлини ва амр эса буйруқ майлини англатади.

Бирлик, биринчи шахс (ҳар икки жинсда), иккинчи ва учинчи шахс музаккар жинс ҳамда учинчи шахс муаннасадаги тўғри феъллар дарак майлида дамма билан, истак майлида фатҳа билан, шарт майлида сукун билан ҳаракатланади, масалан: «هُوَ يَضْرِبُ» وَ «لَنْ يَضْرِبَ» وَ «لَمْ يَضْرِبْ».

Ҳозирги-келаси замон феълларининг бешта шаклидаги нунлари дарак майлида сақланиб қолади. Истак ва шарт майлида эса нунлар тушириб юборилади. Улар қуйидаги феъллардир: يَفْعَلُونَ, تَفْعَلُونَ, يَفْعَلَانِ, تَفْعَلَانِ.

Дарак майлида: هُمَا يَفْعَلُونَ, هُمَا يَفْعَلَانِ деймиз. Бу мисоллардаги дарак майли белгиси нунларнинг мавжудлигидир. Истак майлида لَنْ يَفْعَلَا, لَنْ يَفْعَلَا ва шарт майлида لَمْ يَفْعَلَا, لَمْ يَفْعَلَا, деб ўқиймиз. Мазкур мисолларда истак в шарт майли белгиси нунларни тушириб юборилишидир.

Ноқис феълларнинг майлларда ўзгариши маълум қийинчиликлар келтиради. Чунки феъл майлларининг ўзгариши охирги ўзак ҳарфига алоқадор. Мазкур феъллар қуйидагича ифодаланади: يَدْعُو, يَرْمِي каби охири *вов* ёки *йой* билан тугаган барча ҳозирги келаси-замон феълларининг дарак майли уларнинг охирги ҳарфи чўзиқ унлини ифодалаши, истак майли эса уларнинг охирги ҳарфига фатҳа ҳаракатини бериш билан ясалади. Шарт майлида эса ўша охирги ҳарф тушириб юборилади. Дарак майлида هُوَ يَدْعُو - *чақирмоқда* ва يَرْمِي – *отмоқда*, деб ўқиймиз. Охирги ҳарфнинг сукунли бўлиши дарак майли белгисидир. Истак майлида لَنْ يَدْعُو ва لَنْ يَرْمِي шаклида ўқиймиз. Ушбу сўзларнинг охирги ҳарфида фатҳа бўлиши истак майли

¹⁰ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: “Восточная литература” РАН, 1998. –С.291.

белгисидир. Шарт майлда لم يدع ва لم یرم бўлади, бу сўзлардаги охирги ҳарфнинг тушиб қолиши шарт майли белгиси ҳисобланади.

Охири қисқа алиф (алиф максура) билан тугалланган یرضی ва یخشى га ўхшаш барча феълларнинг охирида ҳаракат бўлмаслиги дарак ва истак майллари, охирги ҳарфни тушириб юбориш орқали шарт майли ҳосил қилинади. Масалан, дарак майлида یرضى - *рози* - هو یرضى, *қўрқмоқда* - هو یخشى бўлмоқда, шаклида бўлади. Ҳар иккала мисолда феълнинг охирги ҳарфи ҳаракат олмаганлиги дарак майли белгисидир. Истак майилга мисол: لن یرضى. Иккала сўзда ҳам охирги ҳарф ҳаракат олмаганлиги истак майли белгисидир. Шарт майлига мисол: لم یخش. Иккала сўзда охиридаги ҳарфнинг тушиб қолиши шарт майли белгисидир.

Асарда ҳозирги-келаси замон феълларини шарт майлида туришини талаб қилувчи юкламалар қуйидагича ёритилган: жазм ҳолатини талаб қилувчи юкламалар бештадир ва улар қуйидагилар:

لَمْ، وَلَمَّا، وَلَا أَمْرٍ، وَلَا نَهْيٍ، وَإِنْ الشَّرْطِيَّةُ، مِثْلُ: «لَمْ يَنْصُرْ»، «لَمَّا يَنْصُرْ»، «لَا تَنْصُرْ»، وَ«إِنْ تَنْصُرْ أَنْصُرْ».

Феълни шарт майлида туришини талаб қилувчи юқоридаги бешта юкламалардан ташқари қуйидаги юкламалар ҳам шарт шарт майлини талаб қилади: إِذَا، إِذَا، إِذَا، حَيْثُ، كَيْفَ، مَتَى، مَهْمَا، أَيْنَمَا، أَيْنَ، أَيْ، مَا، مِنْ، إِنْ. Бу юкламалар асосан шарт эргаш гапли қўшма гаплар таркибида учрайди ва эргаш гапдаги ва бош гапдаги ҳозирги-келаси замон феълларини шарт майлида бошқаради. Фақат бош гапдаги феъл *фасиз* келиши шарт. Мисол: إِنْ تَكْرَمْنِي أَكْرَمَكَ. Иш билан шарт майлида, أَكْرَمَكَ ни бош гапи бўлиб, *фа* сиз келгани учун шарт майлида ифодаладик¹¹.

Шунингдек, “Ал-Кофия”да ҳозирги-келаси замон феълларини насб ҳолати, яъни истак майли шаклида келишини талаб қилувчи юкламалар ҳам ёритиб ўтилган. Улар қуйидагилар: حَتَّى، اذَنْ، كَى، لَكَى، كَيْلَا، لَ، اَنْ، لَنْ. Бу ҳарфлар

¹¹ Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 266.

ҳозирги-келаси замон феълларини насб ҳолатида бошқаради¹². Масалан: أحببت أن تفعل كذا - *Мана бундай қилишингни хоҳладим*. Мисолдаги أن تفعل феъли юкламаси таъсирида истак майлида ифодаланди. Қолган юкламалар ҳам шунга ўхшаб ўзидан кейин келган феълни истак майлида туришини талаб қилади. Араб наҳвида “сийғату-л- амр” деб номланувчи ҳолат замонавий тилшуносликда буйруқ майли, деб аталади ва унга асарда қуйидагича таъриф берилган: амр шундай сийғаки, у буйруқ, илтимос, насихат, рухсат каби маъноларни англатади. Бу мазмундаги феъллар асосан II шахсга қаратилган бўлади ва жазм ҳолатидаги феълнинг олд қўшимчасини тушириб қолдириш орқали ясалади. Олд қўшимча тушиб қолганида сўз бошида бир бўғинда икки ундош ёнма-ён келиб қолса, уларнинг олдига васлалди ҳамза қўйиб, икки бўғинга ажратилади. Феълнинг охири саҳих (яъни касал ҳарфдан иборат бўлмаса) бўлса, у сукунга ўзгаради, “нун” қўшимчалари ҳазф қилинади (тушириб қолдирилади). Агар феъл иллатли бўлса унинг охиридаги иллатли ҳарф ҳам ҳазф қилинади. Масалан: اضرب, لا تضرب, اضرب ни буйруқ майлида бўлгани учун, لا تضرب ни буйруқ майлининг бўлишсиз шакли бўлгани учун уларнинг охирини сукун қилдик¹³.

Мисолдан кўриниб турибдики, буйруқнинг инкор шаклини ифодалаш учун шарт майлидаги феълнинг олдига “л” инкор юкламаси қўйилади.

Шунингдек, асарнинг “Феъллар” бобида иш-ҳаракат бажарилиш арафасида турганлигини англатувчи “афъалу-л-муқораба”, ажабланиш ва завқланишни ифодаловчи “афъалу-т-таъажжуб”, мақтов ва таҳқир маъносидаги “мадҳ ва замм” феъллари, шунингдек, ўтимли ва ўтимсиз феъллар ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.

Юқорида машҳур араб тилшуноси Ибн Ҳожибнинг “Ал-Кофия” асрида араб тили морфологиясига бағишланган мавзуларни алоҳида кўриб чиқдик. Аслида асарда араб наҳвига оид бошқа манбалардаги каби морфология ва синтаксис ажратилмаган ҳолда баён этилган. Ибн Ҳожиб сўз туркумлари,

¹² Ўша асар. – Б. 258.

¹³ Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 271.

келишик категорияси, икки ва уч келишикли исмлар, феъл замонлари ва майлларининг ясалиши, сон, жинс категориялари, олти исмнинг келишик белгилари, феъл ва унинг турлари ҳақида батафсил фикр юритган ҳамда ушбу мавзуларда учрайдиган грамматик қоидалар ўзига хос тарзда баён қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. Абдужабборов. Араб тили. –Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
2. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. -М.: Наука, 2001.
3. Носирова М.А. Ўрта аср араб нахвидан намуналар. –Т.: ТошДШИ, 2004.
4. Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014.
5. Қосимова С. Ҳамидулдин Даририйнинг “Муқаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТошДШИ, 2014.

**Тошкент давлат шарқшунослик институти Шарқ филологияси
факультети Лингвистика йўналиши 2-курс магистри Усмонов
Шаҳобиддиннинг “Ибн Ҳожибнинг “Ал-Кофия” асарида морфология
масаласининг ёритилиши” мавзуида ёзган мақоласига**

ТАҚРИЗ

Маълумки, грамматика морфология ва синтаксисни ўз ичига олади. Морфология сўзларнинг тузилиши, ясалиши, турланиши, тусланишини ўрганса, синтаксис сўзларнинг ва гапларнинг ўзаро боғланиш қонун-қоидаларини, уларнинг хилларини ўрганади.

Араб тили грамматикаси эса бошқачароқ тарзда тузилган, яъни мавзуларнинг ёритилиши, тизимга солиниши бошқа тиллар грамматикасидан катта фарқ қилади. Унда синтаксис ва морфологияни алоҳида ажратмасдан, ёнма-ён баён қилиниши бу тилнинг ўзига хослигини кўрсатади. “Сўз туркумлари”, “Келишик категорияси”, “Замоннинг ифодаланиши” ва бошқа баъзи мавзуларни баён қилиш жараёнида морфология билан бирга албатта синтаксис ҳам ёритилади. Чунки, араб тили грамматикасида бу икки бўлим алоҳида ёритилмайди. Тадқиқотчи Ш. Усмонов ушбу мақоласида эса морфология масаласини алоҳида ёритиб ўтишга ҳаракат қилган.

Араб тилида морфология масаласини ёритишда талаба машҳур тилшунос олим Ибн Ҳожибнинг “Ал-Кофия” асаридан фойдаланган ҳамда ушбу асарда келтирилган назарияларга асосланган.

Бу мақола бугунги кунда ўрганилиши керак бўлган мавзулардан бирига бағишлаган ва мен уни нашрга тавсия қиламан.

Илмий раҳбар

доц. Б.М.Бегматова